Тадбир

# «ЭКОФЕСТИВАЛ-2003»

*«Экосан» Халқаро жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари Давлат қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти ҳамкорлигида «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида Ер Кунига бағишланган «ЭКОФЕСТИВАЛ-2003» тадбири бўлиб ўтди.*

22 апрель куни жаҳон жамоатчилиги Ер Кунини нишонлади. Ер Куни доирасидаги ҳаракат 30 йилдан бери давом этаётган бўлиб, у дунё бўйича ўз сафига миллионлаб кишиларни бирлаштиради. Ҳар йили шу куни минглаб ташкилотлар турли минтақаларда ерни эъзозлашга даъват этувчи тадбирларни ўтказадилар.

Сўнгги йилларда юртимизда ҳам «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси республика жамоатчилигини Ер Кунини нишонлашга жалб этиш йўлида фаол ҳаракат бошлади. Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли фан, маданият ва санъат арбоблари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Фестивал дастуридан «Саховатли Ер инъомлари», «Тошкент гуллари» кўргазмалари ўрин олди. Шу куни бу ерда қатор давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари иштирокида «Дипломатлар хиёбони»га асос солинди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси раҳбари Юсуф Шодиметов «Энг обод маҳалла», «Оталар чойхонаси», «Кексаларни эъзозловчи намунали маҳалла» республика кўрик-танловлари ғолиблари номини эълон қилди. Кўрик-танловнинг Низомида кўрсатилган шартларига асосан Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги «Рогузор» маҳалласи биринчи босқич ғолиби деб топилди.

Оталар чойхонасида маънавий-тарбиявий, экологик ва бошқа соҳалар бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, чойхона ҳудудининг ободонлаштирилганлиги ҳамда кўкаламзорлаштирилганлиги, қарияларга бўлган эътибор, ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилганлигини эътиборга олиб, кўрик-танлов шартларига кўра Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалла гузарида жойлашган Оталар чойхонаси ғолиб деб топилди.

«Кексаларни эъзозловчи намунали маҳалла» Республика кўрик-танловида биринчи ўрин Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги «Дўстлик» маҳалласига насиб этди.

***Гўзал СОЛИЖОНОВА.***

«Соғлом авлод учун»

# ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

*Соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган туркум чора-тадбирларни амалга ошириш, юксак инсоний қадриятларга асосланган ҳаётий нуқтаи назарга эга, маънавий-ахлоқий етук, ақл-заковатли, жисмонан соғлом шахсни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш вазифаларини рўёбга чиқаришда мамлакатимиздаги ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг хизматлари ниҳоятда катта бўлаётир. Мана шу хайрли ишлар билан танишиш мақсадида мухбиримиз мазкур жамғарма Тошкент вилоят бўлимининг раиси Гулсанам Ваҳобова билан суҳбатлашди.*



**— Жамғарма иш бошлаганига ўн йил бўлди. Шу муносабат билан унинг фаолият йўналишлари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлатимиз аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини кўзлаб, кучли ижтимоий сиёсат ўтказа бошлади. Шу жараёнда — 1993 йил 23 апрелида мамлакатимиз Президентининг Фармонларига биноан ҳукуматга қарашли бўлмаган ушбу тузилма ташкил этилди. Жамғармамизнинг амалий ишлари хайрия тусида бўлиб, жамиятда соғлом турмуш тарзи ва саломатликни асраб-авайлаш йўлида аҳолининг кам таъминланган қатламларига бепул хизмат кўрсатилиб, дори-дармонлар билан таъминланмоқда. Бунда бизга халқаро хайрия ташкилотлари, Америка, Англия, Жанубий Корея каби мамлакатлардаги нодавлат ташкилотлар салмоқли ёрдам кўрсатяпти.

«Соғлом авлод учун» давлат дастурининг мақсади, мазмун-моҳияти — барча ҳудудларда она ва бола соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборат. Баркамол, соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш борасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётирмиз. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, тарғибот ва ташвиқот қилиш дастурлари асосида соғлом авлод туғилиши, тарбияланиши учун масъулиятни шакллантириш бу ишларнинг негизини ташкил этади.

Жумладан, бўлимимиз қошида тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибида олий тоифали шифокорлар кенг кўламли ишларни бажаришмоқда. Беморларнинг турмуш тарзини ўрганиш учун шаҳар ва туманларда ижтимоий тадқиқотлар олиб борилаяпти. Шу асосда аҳолининг соғлигини ўрганиб, ташҳис-даволаш ишларини ташкил этаяпмиз. Чунончи, ўтган йил давомида мутахассисларимиз 11245 нафар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди. Текширишлар натижасида 7935 нафар аёлда турли даражадаги хасталиклар аниқланди. Ногиронлар эса 151 нафарни ташкил этди. Умумий тиббий кўрикдан ўтказилган 5000 га яқин ҳомиладор аёлдан 3528 нафари турли касалликларга чалинганлиги маълум бўлди. Шулардан 250 нафардан зиёд аёл касалхоналарга ётқизилди. 3700 нафар бўлғуси онанинг соғлигини тиклаш учун қатнаб даволаниш белгиланди. Текширишларимиз туғиш ёшидаги аёллар ўртасида камқонлик касаллиги, бўқоқ, юрак-қон-томир тизими хасталиги, аёлларнинг бошқа касалликлари кўпроқ учрашини кўрсатди. Бу хасталикларнинг олдини олиш учун маслаҳатхоналар ташкил этдик.

Хусусан республика гемотология илмий-тадқиқот институти олимлари ва малакали шифокорлар иштирокида шаҳар ва туманларимизда турли мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари уюштириб, беморларга дори-дармонлар тарқатяпмиз. «AMBULANCE» тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳимиз соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доимий равишда ўз улушини қўшиб келмоқда.

Камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида гуруҳимиз томонидан Паркент, Пскент, Оққўрғон, Зангиота, Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Бекобод туманларида муолажалар ўтказилди. Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ, Паркент туманларининг чекка қишлоқларига тиббий-ташҳис автопоездлари қатнаб турибди.

**— Ҳозирги даврда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний соғлом, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш хусусидаги фикрларингиз...**

— Жамғармамиз вояга етмаганларни соғломлаштириш, улар онгига соғлом турмуш тарзи қоидаларини чуқур сингдириш борасида жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бораётир. СПИД ва гиёҳвандликка қарши курашиш ҳозирги куннинг долзарб муаммолари бўлиб қолди. Малакали мутахассисларимиз ўқув юртларида семинар ва суҳбатлар ўтказиб, ёшларнинг шахсий-гигиена маданиятини кўтаришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда вилоят СПИД маркази мутасаддилари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Шунингдек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, халқ таълими бўлимлари, «Оила» маркази, «Маҳалла» ва «Болалар» жамғармалари билан биргаликда тарбиявий-маърифий тадбирлар ташкил этаяпмиз.

Айни пайтда ногирон болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кучайтирилди. Етти нафар ногирон бола аравача билан таъминланди. Республика кенгаши ҳомийлигида Чиноз тумани сил касалликлари интернатига 4 та компьютер топширилди.

— Жамият аъзоларининг маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир, — деди суҳбат пировардида Гулсанам Ваҳобовна. — Жамғармамиз саховатпеша инсонлар, халқаро ва хорижий хайрия ташкилотлари кўмагига таяниб, бу жараёнга тобора салмоқли ҳисса қўшаберади.

# ХАЛҚАРО ПЛЕХАНОВ ЎҚИШЛАРИ

*Яқинда Тошкентда ўтказиладиган анъанавий Плеханов ўқишларида Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари ва хориждан келган икки юздан ортиқ вакиллар қатнашади.*

Улар турли мамлакатлар миллий хўжалик тизимларининг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиши ва фаолият кўрсатиши масалаларини ўз илмий-тадқиқот ишларининг натижаси сифатида ёритиб беради. Анжуманда Марказий Осиё минтақаси, МДҲ мамлакатлари ва хорижий олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрантлари, аспирантлари, давлат сектори ҳамда ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Анжуманда мамлакатлар иқтисодиётларини турли йўналишларда ривожлантириш муаммолари, чунончи, макроиқтисодий ривожланиш стратегияси, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, молия, кредит ва банк соҳаси, менежмент, маркетинг, солиқ ва суғурта иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, меҳнат бозорларини таҳлил қилиш ва демография, тадбиркорлик муаммолари муҳокама қилинади. Мамлакатларнинг макроиқтисодиёти, минтақалардаги ҳозирги вазиятни тадқиқ қилиш ва таҳлил этиш натижалари кўрсатилади, шунингдек, барқарорлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича илмий-амалий таклифлар киритилади.

Мажлис иштирокчилари бир нечта секцияларга бўлиниб турли масалалар бўйича иш олиб боришади.

***«Туркистон-пресс».***

Муаммо

# ҲАҚИҚИЙ ХАРИДОР КИМ ЎЗИ?



**Ипак қуртини боқиш, ҳосилни харид қилиш ва ҳақини тўлашдаги муаммолар қачон барҳам топади?**

*Бекобод тумани пилла етиштиришда Тошкент вилоятида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўтган йили давлат шартномавий режасида кўзда тутилган 145 тонна ўрнига 154 тонна хом ашё тайёрлангани қувончли ҳол бўлди.*

Бу «кумуш тола» хирмони катта машаққатлар, тинимсиз меҳнат, миллионлаб сарф-харажатлар эвазига бунёд этилгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, буни мўл ҳосил оламан, деб қалб қўрини берган, уй тўрини бўшатиб, фидойилик билан ишлаган одамлар яхши англашади.

Хўш, туманда режалар тўлдирилиб, хирмонлар юксак бўлган экан, даромаддан сўз очиб, пиллакорлар меҳнатини улуғлайдиган пайт келмадимикин деб ўйларсиз? Шу мақсадда Бекобод «Пилла» акциядорлик жамиятида бўлдик. Йил якуни, янги мавсумга тараддуднинг бориши, умуман соҳа меҳнатчиларининг кайфияти билан қизиқдик.

— Тўғрисини айтақолай: холдинг компанияси, бирлашма, уюшмалар исканжасида қолдик, — деди жамият раиси Бойзоқ Умурзоқов. — Тошкент вилояти «Пилла» акциядорлик жамияти билан шартномамиз бор. 2002 йил 4 апрелда ҳар икки томон бу ҳужжатга имзо чекишган. Улар ўтган йилнинг август-сентябрь ойларида маҳсулотларимизни сотиб олишлари зарур эди. Лекин ваъдалари устидан чиқишмади, ҳануз хом ашё омборларда турибди. Оқибатда катта миқдорда иқтисодий зарар кўрмоқдамиз.

2002 йилда 3150 қути уруғни парваришлаган туман пиллакорлари ҳали-ҳануз иш ҳақларини олишган эмас. Бугунги кунда жамият «кумуш тола» етиштириб берувчилардан 60 миллион сўм қарздор. Боз устига Андижон ипак қурти уруғи тайёрлаш корхонасига 4 миллион сўмга яқин, Наманган «Ипакчилик» ширкат хўжалигига 1 миллион 755 минг сўм пул тўлаши керак. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан ҳам қарздор.

— Ўтган йилда 250 қути пилла қурти боқилди. 10800 ўрнига 12100 килограмм хом ашё етказиб бердик. Аммо, пиллакорларимиздан 4 миллион 536 минг сўм қарзмиз. Ҳосилимизга харидор йўқ эмиш. Назокат Бурҳонова 100 минг, Норбуви Турсунова 89 минг, Сафар Бердиев 49 минг сўмдан меҳнат ҳақи олишлари керак, — дейди Ойбек ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Маҳмуджон Тошматов.

Мана шундай мисолларни тумандаги 15 та пилла етиштирувчи ширкат хўжаликларидан ҳам келтириш мумкин.

— Мавсумга оз фурсат қолди, қайси юз билан пиллакор ҳузурига борамиз, — дейди «Авангард» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Дониёр Мўминов. — Ҳозиргача пиллакорларимиз 3 миллион 331 минг сўм иш ҳақларини олишмаган. Пилламиз қачон сотилади-ю, биз бу маблағни қачон меҳнатчиларимизга етказиб берамиз?

Ҳа, раислар хуноб, пилла агрономи дарғазаб, «кумуш тола» етиштирувчилар эса, асабий ҳолатда. Омборда эса 2002 йил май ойида қабул қилиб олинган 154 тонна саноатбоп хом ашё сичқон, каламушларга ем бўлиб ётганидан юрагинг орқага тортади. Сифати ҳақида ўйласанг, бошинг қотади. Ахир ўтган йил саратон жазирамаси, қишнинг қаҳри, баҳорнинг серёғин кунлари очиқ ҳолда 300 кундан бери сақланаётган хом ашё сифатига таъсир этмайди, деб ким кафолат беради?

— Ҳосил вазнини йўқотди. Ҳозир 45 тонна тоза пилла бор. Бу 10 миллион сўм бўлади, — дейди Бойзоқ Умурзоқов. — Бир йилдирки, маош олмаймиз. Телефон рақами тармоқдан узилган, электр қувватидан маҳрум этилганмиз. Хизмат машинасидан фойдаланишга қурбимиз етмайди. Кулоғимизгача қарзга ботдик. Шериклар панд беришмоқда. Шартнома шартлари бўйича талаб қилишнинг вақти келди энди.

Аслида пиллачиликдаги бундай ташвишли ҳолат нафақат Бекобод тумани ёки Тошкент вилояти балки бутун республика хўжаликлари учун катта муаммога айланган десак, муболаға бўлмайди. Яна бир гап: туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари бу муаммо ҳақида куйиб-пишиб гапиришяпти-ю, лекин шартнома шартлари бажарилмаётгани юзасидан уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини юзага чиқариш учун бирон-бир ижобий хатти-ҳаракат қилинмаётир. Қачон қуруқ гап-сўзу оғзаки нолишлардан қонуний талабларга ўтилади?

Қолган гапларни эса, республика «Ўзбек ипаги» уюшмаси, «Пилла-холдинг» компанияси, вилоят «Пилла» акциядорлик жамияти раҳбарларидан эшитсак ёмон бўлмасди.

***Турсунали УСМОНОВ.***

# ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

— дейди Зангиота тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Артур Маҳмудов. — Ҳарбий хизматга ёшларни тайёрлашда улар ҳар томонлама чиниққанлиги, соғломлиги, билими, маданий ва маънавий баркамоллигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ҳарбий хизмат бўйича чиққан янги Қонун, умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг шу хусусдаги қарорларини чақирилувчилар, ота-оналарга ва маҳалла қўмиталари раисларига бевосита тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, — дейди чақириққача ёшларни тайёрлаш ишлари бўйича 2-бўлинма бошлиғининг катта ёрдамчиси Рауф Нишонов. — Ўсмир-ёшларни ватанпарварлик, маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашда тест синовлари, савол-жавоблар, ҳарбий қисмларда аскарлар билан ўтказилаётган суҳбат-учрашувларнинг аҳамияти ортиб бораяпти. «Шунқорлар» мусобақалари, «Чақирилувчилар куни» тадбирлари бўлғуси аскарларнинг маданий-ахлоқий, жисмоний чиниққанлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда бугун бўлажак аскарлар ўз муқаддас бурчларини тўғри англаб етиб, она-Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидойилик ҳиссини тобора чуқур ҳис қилмоқдалар. Кўплаб ёшлар ана шу мақсадда чақирув комиссиясига мурожаат қилиб, ўзларини ҳарбий билим юртларига ўқишга юборишларини сўрамоқдалар. Уларнинг ҳар бирини тиббий кўрикдан синчиклаб ўтказиб, хоҳиш-иродаси, келажаги, оилавий шароити ҳисобга олинган ҳолда иш кўрилаётир. Шунга асосан ҳарбий хизматга номзодлар тайёрлаш учун ёшлар ҳайдовчиликка, парашютчиликка ва олий ҳарбий билим юртларига ўқишга жалб этилмоқда. Ҳарбий хизматга сафарбар қилинаётган ёшларнинг дунёқараши, жисмонан бақувватлигию билим ва маданиятига асосий эътибор қаратилаётир. Ватаннинг мана шундай мард, жасур, миллий ғурур билан йўғрилган ўғлонлари билан суҳбатлашгимиз келиб, улар даврасига кириб бордик.

— Мана, беғубор болалигимиз палласи тугаб, катта ҳаёт синовларига тўла йигитлик даврига қадам қўйяпмиз, — дейди Хонобод қишлоғидан ташриф буюрган Асрор Қаҳҳоров. — Мен ҳам акаларим, яқинларим қатори Ватан олдидаги бурчимни ўташ учун ҳарбий хизматга отланмоқдаман. Агар ҳарбий хизматга лойиқ деб топилсам, албатта, Ватанимиз тинчлик-осойишталиги учун бутун иқтидоримни ишга соламан.

— Шу йилнинг бошида ўтказилган «Ватанпарварлик ойлиги»да ташкил этилган ҳар бир тадбирда қатнашдим, шу учрашувлар, суҳбатлар чоғида Ватанимга ўзгача бир меҳр туйғусини, айниқса, кучли хис қилдим, — суҳбатга қўшилади Ўртаовул қишлоғида яшовчи Дилшод Ниғмонов. — Мактабда ўқиб юрган кезларим ҳарбий қисм ҳаёти билан таништиргани олиб боришганини ҳеч қачон унутмайман. Ана шунда олган илк таассуротларим мана шу мақсадимга турткн бўлган эди.

Шу пайт яна бир йигит даврамизга келиб қўшилди. Гап-сўзларни бироз тинглаб туриб, у ҳам ўзининг дил изҳорларини бирма-бир айта бошлади:

— Ҳарбий хизмат даври ҳар бир йигит учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлиб қолади, — дейди зангиоталик ҳамсуҳбатимиз Содир Аштанов. — Ҳар биримиз ўз оиламиз, юртимиз шаънини, ғururини ҳимоя қилишга отланаётганлигимизни тўла ҳис қилаётирмиз. Бунга ҳам маънан, ҳам жисмонан тайёрмиз.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

Ислоҳот

# «АММОФОС»НИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

*Мамлакатимизда фосфорли ўғит ишлаб чиқарувчи учта йирик корхона бор. Шулардан бири Олмалиқдаги "Аммофос" очиқ акциядорлик жамиятидир. Шу йилнинг ўтган уч ойида олмалиқлик кимёгарлар истеъмолчиларга 52 минг 395 тонна фосфорли аммофос етказиб берди. Бу шартномадагидан салкам беш минг тоннага кўп бўлиб, республика бўйича тайёрланган ана шундай ўғитнинг саксон фоизидан ошиқроғини ташкил этади.*





– Меъёрида, ернинг таркибига қараб солинган азотли ўғитлар экиннинг ўсишига ёрдам берса, бизнинг фосфорли ўғитларимиз уларнинг ҳосилини кўпайтиради, – дейди корхона бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Баҳодир Содиқов. – Биз ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар таркибида барча озиқ моддалари мавжуд. Шу боисдан ҳам улардан нафақат мамлакатимиз, балки бошқа минтақаларда, ҳар қандай тупроқ шароитида, барча экинларни озиқлантиришда фойдаланиш мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, фосфор конлари дунёда унчалик кўп эмас. Таркибида 31 фоиз фосфор унсури бор конларгина жаҳон амалиётида истиқболли ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Қизилқум сарҳадларидан топилган кон анча бой бўлиб, Олмалиқ кимёгарлари учун бу айни муддао. Ўтган йили корхонада 145 минг тонна соф ҳолда фосфорли ўғит ишлаб чиқарилган бўлса, шунинг 118 минг тоннаси ана шу маҳаллий хомашёдан тайёрланди. Айни чоғда бу улуш тобора ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, бугунги кунда корхонани маҳаллий фосфор уни билан таъминлаш даражаси 85 фоизга етди.

Яна бир гап. Корхонада мулк шакли ўзгартирилди. У очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиб, акция пакетларининг катта қисми очиқ савдога чиқарилди. Бу эса хорижий инвесторлар иштирокида мавжуд технологияни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот турларини янада кўпайтириш имконини беради.

***Неъматжон ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

***СУРАТЛАРДА:*** *цех бошлиғи Раҳматулла Қодиров; корхонанинг умумий кўриниши.*

***Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА)***
***олган суратлар.***

# РАСМЛАР КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

*Куни кеча Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Ўзтелерадио» компанияси ҳамкорлигида «Қарияларни қадрлаш йили»давлат дастури якунларига бағишланган «Отахонлар ва онахонлар набиралар нигоҳида» республика расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ёш авлодни ота-оналар ва кексаларни ҳурмат қилиш,уларни атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш,тарихимиз, миллий анъаналар ва маданий қадриятларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялашдир. Кўргазманинг очилиш маросимида «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси раҳбари Юсуф Шодиметов, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Раиси Турсунали Қўзиев, жамоат ташкилотлари,Чехия ва Миср давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари иштирок этдилар. Шу куни Республика кўрик-танловининг ғолиблари эълон қилинди ва уларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Ер куни»га бағишланган анъанавий «Инсон ва Ер» кўргазмаси ҳам очилди.

***Гўзал ИСМАТУЛЛАЕВА.***

## Асосий қонунимизни ўрганамиз

*86-модда:*
*Олий Мажлис Қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.*
*Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади.*

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шарҳланаётган 86-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш мақсадида депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссияларни сайлайди ҳамда уларнинг раисларини тасдиқлайди.

Қўмита ва комиссияларни тузиш чоғида депутатларнинг касбий ва бошқа хил қизиқишлари, уларнинг ишлаб чиқаришга оид ҳаётий тажрибалари, эркин билдирилган хоҳиш-истаклари инобатга олинади. Қўмита ва комиссиялар таркибида фракциялар ва блоклардан вакил депутатлар бўлиши таъминланади. Қўмита ва комиссиялар Олий Мажлиснинг ваколат муддатига тенг муддатга тузилади.

Қўмита ва комиссиялар рўйхати ва улар аъзоларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади. Қўмита ёки комиссия таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишлари мумкин эмас.

Олий Мажлис депутати Олий Мажлиснинг фақат битта қўмита ёки комиссиясига сайланиши мумкин. Қўмита ёки комиссия таркибига сайланмаган депутат уларнинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

Қўмиталар ва комиссияларнинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари Олий Мажлис олдида масъул бўлиб, унга ҳисоб берадилар.

Қўмита ва комиссияларнинг (муваққатларидан ташқари) раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ўз фаолиятларини доимий асосда амалга оширадилар.

Зарур ҳолларда Олий Мажлис исталган вақтда янги қўмиталар ва комиссиялар тузиши, илгари тузилганларни тугатиши ёки қайтадан ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Кенгашининг топшириқларини бажариш учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузилиши мумкин. Муваққат комиссияларнинг вазифаси ва уларнинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан уларни тузиш чоғида белгилаб қўйилади. Муваққат комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариб бўлганларидан кейин ёхуд Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши қарорига биноан, фаолиятларини муддатидан илгари тўхтатадилар. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ишини ўз режаларига, Олий Мажлис, унинг Раиси ҳамда Кенгаши топшириқларига ва тавсияларига мувофиқ ташкил этилади.

Олий Мажлиснинг Раиси қўмита ва комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Мажлисларга давлат ҳамда жамоат идоралари ва ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар, олимлар таклиф этилишлари мумкин. Улар мажлисларда маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашадилар.

Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан комиссия ва қўмиталар тавсия тарзида қарорлар қабул қиладилар ва хулосалар чиқарадилар.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида барча масалалар улар аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Комиссия ёки қўмитанинг қарорлари, хулосалар ва мажлис баёнларини комиссия ёки қўмита раиси имзолайди. Ишлаб чиқилган тавсиялар тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилади ва зарур ҳолларда Олий Мажлис Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирига маълум қилинади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари қўмиталар ва комиссияларнинг қарорларини олгач, кўриб чиқишлар, натижалар ва кўрилган чоралар ҳақида, агар қарорда ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, узоғи билан бир ой муддат ичида хабар қилишлари шарт. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ўз фаолиятларини ошкоралик асосида амалга оширадилар, фаолиятлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими таъсис этилган. Бундан мақсад мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назоратини амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» қонун қабул қилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ушбу қонун доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради ҳамда бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳимоя қилиниши ҳамда тикланишига қаратилган тавсиялар беришга ҳақлидир. Қонуннинг ошкоралик, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устунлигини тан олиш вакил фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламентига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Кенгаши, Раиси, қўмита ва комиссияларининг фаолиятига хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг котибияти томонидан таъминланади.

Ушбу органнинг асосий вазифалари Олий Мажлис йиғилишларига, Олий Мажлис кенгашига, қўмита ва комиссиялари мажлислари, Олий Мажлис ўтказадиган бошқа тадбирларга ташкилий, ҳуқуқий, ахборот ва моддий техникавий хизмат кўрсатиш; Олий Мажлис, унинг Кенгаши, қўмита ва комиссиялари ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш; Қонунларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушган таклиф ҳамда мулоҳазаларни ҳисобга олиш ва умумлаштириш; қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, қўмита ва комиссияларнинг тавсияномалари бажарилишини уюштириш ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиб бориш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотлар тўплаш, материаллар ва таклифлар тайёрлаш, уларнинг бажарилишига оид тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; ўз ваколатларини амалга оширишда, сайловчиларнинг аризаларини бажаришда, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш бўйича назоратни йўлга қўйишда, Олий Мажлис депутатлари сайловини ва халқ депутатлари, маҳаллий Кенгашларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ материалларни тайёрлаш ва бу тадбирларни ўтказишда иштирок этиш; фуқаролардан Олий Мажлисга, унинг Кенгашига, унинг Раисига қўмита ва комиссияларига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни ўрганиш, ҳисобга олиш, умумлаштириш ва қараб чиқиш вазифалари юклатилади. Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш учун Олий Мажлис Котибияти маълум бўлимлар тузади.

Қўмиталар ва комиссиялар қабул қиладиган қарорлар, аксарият ҳолларда, сессияда қабул қилинадиган қарорларнинг тақдирини олдиндан белгилаб беради.

Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари ҳар доим қонун лойиҳаларини олдиндан муҳокама қиладилар. Уларнинг фикри ва хулосасисиз лойиҳа овоз беришга қўйилиши мумкин эмас. Бундай олдиндан кўриб чиқиш қонун лойиҳасининг тақдирига катта таъсир кўрсатади.

Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари қонун лойиҳаларига тузатиш киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар қонун лойиҳаларини аниқлик киритиш, маромига етказиш учун муаллифларга қайтариши, экспертизалар тайёрлаши мумкин. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг иштирокисиз қонун чиқарувчилик жараёнини тасаввур этиб бўлмайди.

Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# ЯНГИ ИНШООТЛАР

*Янгийўл шаҳрида 14та янги ишлаб чиқариш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш режалаштирилган эди. Айни кунгача ана шу иншоотларнинг деярли ярми фойдаланишга топширилди.*

Жумладан, «Биокимё» акциядорлик жамиятига қарашли болалар спорт-соғломлаштириш мажмуининг ишга тушганлиги ушбу корхона ишчи-хизматчилари ҳамда «Мустақиллик» маҳалласи аҳлини хушнуд этди. Корхонада меҳнат қилаётган 800 дан зиёд ходим 100га яқин фарзандлари билан бирга маҳалла ёшлари ҳам соғломлаштириш машғулотларида қатнашмоқдалар. Ёшларга малакали мутахассис Рустам Шеринский мураббийлик қилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорНазира Мираҳмедова саъй-ҳаракати билан «Ситора» маиший хизмат кўрсатиш мажмуи ҳам аҳолига ҳизмат қила бошлади. Бундан ташқари, шаҳардаги ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятининг ўсимлик мойини ҳидсизлантириш цехи ҳам ишга тушди. У бир кунда 50 тонна ўсимлик мойини қайта ишлаш қувватига эга.

«Ўткир» хусусий корхонасига қарашли қуруқ мевани қадоқлаш цехининг очилиши, яна 80 нафар кишини ўз иш ўрнига эга бўлишига сабаб бўлди.

***Даврон АҲМАД***





*СУРАТЛАРДА: «Биокимё» акциядорлик жамияти болалар спорт-соғломлаштириш мажмуида машғулотлар пайти; «Ситора» маиший хизмат мажмуининг умумий кўриниши.*
***Муаллиф олган суратлар.***

## Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

*Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 апрелдаги, Тошкент вилояти хокимлигининг 45-рақамли фармойишларига асосан ҳаракат хавфсизлиги ойлигида вилоят ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси томонидан концерн, бирлашма ва жамиятлар билан ҳамкорликда ҳайдовчилар ҳамда ҳаракатланишнинг бошқа иштирокчилари ўртасида йўл ҳаракати интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, оқибатлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.*

# ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА



Махсус гуруҳ аъзолари тарғибот автобусида вилоят автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти, вилоят халқ таълими бўлими ходимлари ва маҳаллий ҳокимликлар вакиллари билан биргаликда шаҳар ва туманларда кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Шохбекатлар, бозорлар ва бошқа аҳоли гавжум жойларда овозкучайтиргич орқали йўл ҳаракати қоидалари тарғиб қилинмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида ва шаҳарлараро қатновчи умумтранспорт воситаларига «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этиш ва йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ риоя қилишга чақирувчи шиорлар ўрнатилди. «Тошвилтранс» уюшмаси ва унинг жойлардаги автокорхоналарининг йўловчилар ташувчи автобуслари ичига тадбирга оид реклама варақалари жойлаштирилди.

Автохўжаликлар текширилиб, улардаги транспорт воситаларининг техникавий ҳолати ўрганилди. Текширувлар давомида носоз деб топилган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ҳамда мансабдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўриляпти.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари ўрганилди. Шунингдек, «Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорацияси, автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти ва ҳайдовчилар тайёрлайдиган бошқа ташкилотларда ўқув жараёнлари текширилмоқда.

Ойлик мобайнида тегишли ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда вилоят ҳудудидаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган автомобил йўлларининг сақланиши ва лозим воситалар билан жиҳозланиши назоратдан ўтказилмоқда. Яроқсиз ҳолга келган йўл белгилари қайта ўрнатилиб, текширувлар давомида аниқланган камчилик ва нуқсонлар бўйича тегишли ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар жўнатилди.

Йўл ҳаракати устидан назоратни кучайтириш натижасида ойликнинг дастлабки беш кунида жами 6359 та ҳодиса аниқланди. Шундан 2100 таси қўпол қоидабузарликни ташкил этади. Маст ҳолда транспорт воситаси бошқарилган 95 ҳолат, шунингдек, 348 та белгиланган тезликни ошириш, 55 та чорраҳадан ўтиш қоидабузарлиги, 34 та темир йўл кесишмаси, 470 та одам ташиш, 1027 та пиёдалар иштирокидаги қоидабузарликлар кузатилди ва тегишли чоралар кўрилди.

Ходимларимиз жамоатчиликка таяниб, йўлларда қоидабузарликларни бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни тобора кучайтиришмоқда.

***Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,***
***Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг катта нозири, милиция майори.***

## Савдода кўчмас мулк объектлари

*Республика кўчмас мулк биржаси 2003 йилнинг биринчи чорагига якун ясади. Рўйхатга олинган битимлар мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шаклидаги кўчмас мулк объектларини очиқ савдода сотишнинг юқори суръатидан далолат беради.*

Республика кўчмас мулк биржаси матбуот хизматидан олинган хабарга кўра, бу ерда ўтган давр мобайнида 119 та ким ошди савдоси, 2 та танлов савдоси ўтказилди ва ҳафтада уч марта биржа ҳамда унинг филиалларида марказлаштирилган тартибда биржа савдолари бўлиб ўтди. Ушбу савдоларда кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари, хўжалик судлари қарорига мувофиқ банкротга учраган корхоналар, қарздор корхоналар мулклари, ниҳоясига етмаган қурилиш ва бошқа объектлар қўйилди.

Умумий қиймати 5217,3 миллион сўмлик 3342 та кўчмас мулк объекти бўйича битимлар тузилди. Ким ошди ва биржа савдоларида кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳри, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларидаги филиаллари юқори кўрсаткичларга эришди. Бу борада иккиламчи бозорнинг ҳам салмоғи катта. Сотишлар ҳажми 3332,7 миллион сўмга тенг, бу эса барча битимларнинг 64 фоизини ташкил қилади.

Кўчмас мулк бозорида жисмоний шахслар томонидан тузилган битимлар сони ва ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилмоқда (2950 та объект). Бу эса мамлакатимизда мулкдорлар синфининг пайдо бўлиш жараёнининг фаоллашгани ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожидан дарак беради.

***ЎзА.***


RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

# Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида КИМОШДИ САВДОСИДА

**26 март куни Бўка, Паркент, Қуйичирчиқ туманларида жами 22 та ер майдони 1614000 сўмга сотилди.**
**2 апрель куни Янгийўл туманида жами 6та ер майдони 405000 сўмга сотилди.**
**9 апрель куни Чирчиқ шаҳри, Қуйичирчиқ туманида жами 10та ер майдони 3497000 сўмга сотилди. Чирчиқ шаҳридаги 2та давлат автотранспорт воситаси 3150000 сўмга сотилди.**
**16 апрель куни Оҳангарон шаҳар, Қуйичирчиқ, Бўка туманларида жами 7та ер майдони 580000 сўмга ва Янгийўл шаҳар ДСИ томонидан хатланган автотранспорт воситаси 650000 сўмга сотилди.**

## БИРЖА САВДОСИДА

**24, 26, 28 март кунлари Бўка, Пскент, Оққўрғон туманлари, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида 5та жами 13460000 сўмлик нодавлат кўчмас мулк объектлари, Қибрай туманида 6та 2320000 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой бинолари сотилди.**

**31 март, 2, 4 апрель кунлари Бекобод туманида 1та давлат кўчмас мулк объекти 3510000 сўмга, Қибрай, Оҳангарон, Паркент, Тошкент туманлари, Чирчиқ шаҳрида жами 9та нодавлат кўчмас мулк объекти 23724500 сўмга сотилди.**

**7, 9, 11 апрель кунлари Оҳангарон, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Бўка туманларида 8та нодавлат кўчмас мулк объектлари 20395000 сўмга сотилди ва Қибрай туманида жойлашган 1та 320000 сўмлик нодавлат қурилиши тугалланмаган биноси сотилди.**

**14, 16, 18 апрель кунлари Қибрай, Паркент, Пскент туманлари, Олмалиқ, Чирчиқ, Тошкент шаҳарларида жами 11та нодавлат кўчмас мулк объектлари 18595986 сўмга сотилди.**

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

### Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали

**Сиз, азизларни 2003 йил 28 май, 4, 11, 18, 25 июнь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.**

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Паркент тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, «Заркент» ширкат хўжалигида ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 13та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 43500 сўм.**

2. Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Бўстон қўрғони, 1-кичик даҳадаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган жами 15та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 39000 сўм.**

3. Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Бўстон қўрғони, 1-кичик даҳада, Бахт кўчасида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 1та ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 26000 сўм.**

4. Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Гагарин кўчасида жойлашган ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 2та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 72600 сўм.**

5. Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Интезитор кўчасида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 1та ер майдони.

**Бошланғич баҳоси — 46000 сўм.**

6. Олмалиқ шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, А. Навоий шоҳ кўчасида жойлашган сатҳи 600 кв.м. бўлган 2та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 72600 сўм.**

Ер майдонлари учун ариза қабул қилиш кимошди савдосидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдога қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.**

**Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.**



**Тошкент вилояти ҳокимлигининг педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси залида 2003 йил 12 майда соат 15.00да мактаб ўқув мебеллари кўргазмаси ва танлови бўлиб ўтади.**

**Кўргазмада барча ўқув мебеллари ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирок этиши мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 64-уй. Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси, мурожаат учун телефон: (8-3712) 55-53-62.**

Шеърият

## ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ

*Ўнг қўлимда ўн бўлиб, ўн харфсан сен жоним,*
*Заминда ўзлигимни англатгайсан ҳар оним.*
*Бошим узра офтобим, ўзинг ёруғ маконим,*
*Елкамга эрк туғини индирган меҳрибоним.*
*Кўкўпар тоғларингни бўйламоқ васли бугун.*
*Истиқлол онларингни куйламоқ фасли бугун.*
*Саодат боғларингда турфа ранг гуллар териб,*
*Тоабад эзгуликдан сўйламоқ асли бугун.*
*Озод элим, ўзбегим ҳурлигинг бўлсин омон,*
*Нурга тўлиқ бағрингда халқнинг меҳри намоён!*

*Муҳаммад КАРИМ,*
*Ўртачирчиқ тумани.*

## ҚАЛДИРҒОЧ

*Қалдирғоч, қалдирғоч,*
*Қанотинг, қора қийғоч.*
*Одамларга сайрайсан:*
*«Эшигингни менга оч!»*

*Қалдирғоч, қалдирғоч,*
*Баҳор, гуллади оғоч.*
*Айвонимга ошён қур,*
*Менга бахт эшигин оч!*

*Қалдирғоч, қалдирғоч,*
*Илоншоҳга сен тилмоч...*
*Яхшиларга бахт бергин,*
*Ёмонлардан нари қоч.*

*Қалдирғоч, қалдирғоч,*
*Кел, уйимда бола оч.*
*Соҳибжамолсан қиздек*
*Қаро қошу, қаро соч!*

*Ойшабегим УСМОНХЎЖА қизи,*
*Зангиота тумани.*

## ДЎЛАНА

*Ёмғир ёғар изиллаб,*
*Сойнинг суви бўтана.*
*Юрак-бағри жизиллаб,*
*Жунжикади дўлана.*

*Дўланажон, дўлана,*
*Сен ҳам мендек ёлғизми?*
*Севиб қолдим мен яна,*
*Севиб қолдим бир қизни.*

*Таъриф йўқдир у қизга,*
*У қиз тенгсиз дилором.*
*Кўзи ўхшар юлдузга,*
*Қабоғи бир жуфт бодом.*

*У қизнинг гул чиройи,*
*Етти тоққа овоза.*
*Юзи кечанинг Ойи,*
*Қалби булоқдай тоза.*

*Тишлайдирман тилимни,*
*У қиз ўзгага боқар.*
*Билиб-билмай дилимни —*
*Рашк ўтига, оҳ, ёқар.*

*Ёмғир ёғар эзилиб,*
*Совқотади дўлана.*
*Ёлғизлиги сезилиб,*
*Йиғлайди кўнглим яна...*

*Бобур БОБОМУРОД,*
*Бўстонлиқ тумани.*

## ОТАБЕКДАЙ СЕВСА ҚАНИ...

*Тақдир тасодифдан юрагим бўш,*
*Ғийбат-надоматдан айрилар ҳуш,*
*Сенга ҳавас қиламан бибим Кумуш,*
*Отабекдай севса қани ёрижоним.*

*Зайнабларнинг алдовига учмас эди,*
*Ёлғон гуноҳ бандаларини қучмас эди,*
*Сенинг ширин қарашларинг ўчмас эди,*
*Отабекдек севса қани ёрижоним.*

*Гумонлари қийнар дилни, азоб берар,*
*Макрларин тушунмасман ғазаб этар,*
*Сенда бардош, менда қани қайга етар,*
*Отабекдек севса қани ёрижоним.*

*Офтобойим Зайнабини севар ҳамон,*
*Неча йиллар ўтса ҳамки, неча замон,*
*Бу дунёнинг Кумушлари йиғлар ёмон,*
*Отабекдай севса қани ёрижоним.*

*Шоира ҚУРБОНОВА,*
*Қибрай тумани.*

Шундан кейин...

### ЖИНОЯТ ФОШ ЭТИЛДИ

*Сербиянинг собиқ бош вазири Зоран Жинжичга суиқасд уюштиришда гумон қилиниб, 700 нафардан зиёд кишиларнинг хибсга олинганлиги ҳақида, баъзи жиноятчиларнинг қилмиш-қидирмишлари хусусида газетамизда хабар берган эдик. Яқинда республика ички ишлар вазири Душан Михайлович баёнот бериб, жиноятнинг фош этилганлигини маълум қилди. Қамоққа олинган гумондорларнинг кўпчилиги айбларини бўйниларига олишган. Улар ичида бош вазирга ўқ узган снайпер (мерган) ҳам бор. Бу ҳақда «Deutsehe welle» газетаси хабар берди.*

### ЯНГИ ДОРИ ТОПИЛДИ



*«Новости» ахборот агентлигининг бир ахбороти кўпчиликни ғоят мамнун қилди: Лондондаги Империя коллежининг юрак ва ўпка касалликлари институти тадқиқотчилари астма (нафас қисиш)га чалинган одамларга ёрдам берадиган дори ишлаб чиққанлар.*

*Буюк Британиянинг «Дейли мейл» газетасининг ёзишича, олинган вакцина диққинафасликнинг хуружига сабаб бўладиган мушукларга хастанинг реакциясини камайтириш ёхуд бутунлай йўқотиш имконини беради. Янги дори қўлланилганда мушуклар туфайли пайдо бўладиган аллергия реакцияси 50 фоиз камаяди, баъзи беморларда эса тамоман йўқолиб кетади. Янги ихтиро камида беш йилдан сўнг сотувга чиқарилади.*

### ТААЖЖУБ

*Сунъий нефть... Бу сўзлар кишини, албатта, таажжублантиради. Бироқ, бу тушунча ҳақиқатга айланди. АҚШда сунъий нефть ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ҳақда «Чейнжинг уорлд текнолиджиз корпорейтед» фирмаси маълум қилди. Миссури штатининг Картиж шаҳрида шу ойдан бошлаб табиий нефть ишлаб чиқариш тўхтатилади, унинг ўрнига сунъий нефть амалиётда қўлланила бошлайди. Мазкур маҳсулотга хом ашё сифатида сўйилган қушларнинг ичак-чавоқлари, патлари, суяклари, истеъмолга яроқсиз этларидан иборат чиқиндилар хизмат қилади. Айтишларича, сунъий нефть ўзининг хоссалари жиҳатидан табиий нефтдан ҳам яхшироқ эмиш.*

### КЎРСАТУВЛАРДАН МАҲРУМЛАР



*Қишлоқ одамлари ойнаи жаҳон хабарларидан маҳрум бўлаётган жойлар Европа қитъасига мансуб фақат Молдовода бўлса керак. Жумладан, биргина Бельцк уездида беш қишлоқ бундай имкониятдан анча узоқда. Гап шундаки, марказдан келадиган сигналлар бу ерга 200 километргача етмайди. Ишлаётган телетрансляция маркази ҳам шу иллатга мубтало. Чунки, мазкур ҳудудлар соя тушадиган минтақага тўғри келиб қолган. Шу боис у сигналларни тўсиб қўяди. Қўлбола ясалган антиқа антенналар ҳам жонга аро кирмади.*

*Кейинги пайтларда вазият бироз ўзгарганга ўхшайди. Мамлакатнинг радио ва телевизор жиҳозларини ишлаб чиқарадиган корхоналари махсус жойлар танлаб, қўшимча узатгичлар ўрнатмоқда. Ажабланарлиси шундаки, уларнинг биттаси атиги битта қишлоққа хизмат қила олади.*

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## ТАСОДИФ МАҒЛУБИЯТДАН АСРАДИ

*Мамлакат XII миллий чемпионати олий табақасида навбатдаги бешинчи тур учрашувлари ўтказилди. Беш ўйинда майдон эгалари, бир учрашувда меҳмонлар зафар қучдилар.*

«Трактор» меҳмони бўлган «Дўстлик» танаффусгача дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. Иккинчи бўлимда тракторчилар ташаббусни қўлдан бермадилар. Ниҳоят Ғулом Ҳамиттоев шериклари оширган тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда тошкентликлар дарвозабони тепган тўп меҳмонлар ҳужумчиси Александр Писаревга тегиб, дарвозага кириб кетди ва ҳисоб тенглашди. «Дўстлик» рақиблар хатосидан сўнг мағлубиятдан қутулиб қолди.



Бекободнинг «Металлург» жамоаси Андижонда майдон эгалари билан баҳс юритди ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Машъал» — 2:1, «Қўқон-1912» — «Қизилқум» — 1:3, «Нефтчи» — «Сурхон» — 2:0,«Насаф» — «Гулистон» — 3:0, «Навбаҳор» — «Цементчи» — 3:1.

«Самарқанд» — «Пахтакор» учрашуви эса кечиктирилди.

Навбатдаги олтинчи тур учрашувлари 26 апрель, шанба куни бўлиб ўтади. «Дўстлик» ўз майдонида «Навбаҳор»ни, «Металлург» эса «Бухоро»ни қабул қилади.

*Тальат ЮСУПОВ.*

Биринчи табақа

## «ТОШКЕНТ» БЎШ КЕЛМАЯПТИ

*Мамлакат миллий чемпионати биринчи табақаси жамоалари навбатдаги 4-тур учрашувини ўтказдилар. Олти учрашувнинг учтасида мезбонлар, иккитасида меҳмонлар ғалаба қозондилар. Бир учрашув дуранг натижа билан тугади.*

Ушбу курашда жами 15 та жамоа олий табақага йўлланмани қўлга киритиш учун бахс олиб бормоқда. Улар сафида вилоятимизнинг уч вакили тўп сурмоқда.



Тўртинчи турда икки вакилимиз — Чирчиқнинг «Кимёгар» ва Ангреннинг «Ангрен» жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бутун ўйин давомида «Кимёгар» футболчиларининг устунлиги яққол сезилиб турди ва мезбонлар 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Бу йил биринчи табақада илк бор иштирок этаётган «Тошкент» ширкат хўжалигининг «Тошкент» жамоаси кучлилар билан тенг кураш олиб бормоқда. Навбатдаги турда улар «Чиғониён» футболчиларини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устунликка эришдилар. Бу ғалабадан сўнг вакилларимиз уч учрашувдан 7 очко тўплаб, жадвалнинг учинчи поғонасини эгалладилар.

Тўрт учрашувдан сўнг «Кимёгар» олтинчи, «Ангрен» эса тўққизинчи ўринларда боришмоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хазорасп» — «Шўртон» — 0:1, «Хоразм-2003» — «Сўғдиёна» — 1:2, «Косонсой» — «Зарафшон» — 1:1, «Локомотив» — «Шўрчи» — 3:0.

«НБУ Осиё» — «Пахтакор-2» учрашуви эса 4 майга кўчирилди.

Навбатдаги 5-тур учрашувлари 27 апрель, якшанба куни ўтказилади.

*Йўлдош САМАДОВ.*

## БИРОВДАН ЎПКАЛАМА



Қўй бир терининг ичида неча бор семириб, озганидек, инсоннинг ҳаёти ҳам ҳамиша бир хил кечавермайди. Усмон Исмоилович ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. У илмгоҳни тугаллаб, мутахассислиги бўйича ишлай бошлади. Бошлиқларнинг назарига тушди. Раҳбарлик лавозимига кўтарилиб, узоқ йил меҳнат қилди. Ҳаётнинг ўз қонуни бор. Йиллар елдек ўтди кетди. Унинг ўрнига шогирди бошлиқ этиб тайинланди. Лекин янги раҳбарият ҳиммат кўрсатди. Зерикиб қолманг, деб оддийроқ бир иш таклиф этишди. Ҳамма қатори келиб-кетишингиз шарт эмас, ўзингизни уринтирмай бизларга, ёшларга маслаҳат бериб, тажрибангизни ўргатиб турсангиз бўлгани деб айтишди унга. Устоз бундай илтифотдан ниҳоятда мамнун бўлди. Лекин, катта охурдан сув ичиб ўрганган эмасми, жамоадагилар билан бирга юриб, бирга овқатланишга тушишга иззат-нафси йўл қўймасди. Шунинг учун у хона эшигини ичидан беркитиб олиб, уйидан олиб келган овқатини тамадди қиларди. Бошлиқ бир вақтлари ўз қўлида ишлаган шогирди бўлганлиги учун унга ортиқча иш буюрмас, қачон келиб-кетишини ҳам суриштирмасди. Буни у нотўғри тушунди. Фақат шахсий ишлари билан шуғулланиб юраверди.

Бу орада бошлиқ юқори лавозимга кўтарилди. Ўрнига бутунлай нотаниш одам раҳбар бўлиб келди. У эринмай жамоанинг ҳар бир аъзоси билан суҳбатлашди. Иқтидори, лаёқатини ўрганди.

— Биродарлар, — деди у йиғилишда, — биласизлар, олдимизда катта вазифалар турипти. Бунинг устига ўзимиз камчиликмиз, ҳар бир ходим ўз бурчини сидқидилдан бажарган тақдирдагина зиммамиздаги юкни уддалай оламиз. Акс ҳолда...

Усмон ака бу гапларни эшитиб, ичидан зил кетди. Унинг назарида бу сўзлар гўёки унга қаратиб айтилаётгандек туюлди. У безовталанди. Ўзига ўзи «Усмон сенинг эркалигинг кетмайди энди, бундан буён астойдил берилиб, қаттиқ ишламасанг бўлмайдиганга ўхшайди» деди.

Лекин, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, у ўзига берган ваъдасининг устидан чиқишни уддалай олмади. Бир куни янги бошлиқ Усмон ака ишлаётган бўлим мудирини ўз ҳузурига чорлади.

— Анови ходимингиз бор-ку, Тўлқин Ҳамидович, — деди у, — жуда ўзига бино қўйган маҳмадонароқ одам экан-ку!

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим, — деди бўлим мудири, — афтидан у сизга ҳам ақл ўргатганга ўхшайди.

Бошлиқ кулди.

— Жуда сезгирсиз-да, қаердан билақолдингиз.

Буни ҳаёт дейдилар

— Менинг ҳам хафсалампир бўлиб юрганди ундан. Нима иш буюрсам, бирор баҳона топади, ўзини у ёққа солади, бу ёққа солади.

— Ана кўрдингизми, — деди бошлиқ, — биз бундайлар билан ишлай олмаймиз. Буни у кишига ётиғи билан тушунтиринг.

Мудир раҳбар айтган гапларни ётиғи билан тушунтиришга уриниб кўрди. Аммо, Усмон Исмоиловичнинг такаббурлиги тутди.

— Ўзи шу ишларинг малоллик қилаётганди. Бўшаб қўя қолай, — деди-ю, ариза ёзиб, раҳбар қабулига кирди.

— Қарорингиз қатъийми, биродар, — деди бошлиқ кўзойнаги тагидан унга тикилиб.

— Ҳа, — деди ходим.

Бошлиқ аризага имзо чекди. Лекин ходимнинг авзойи бузилди. Чунки у бошлиқ аризага шартта қўл қўйиб юборади, деб сира хаёлига келтирмаганди.

— Ҳали тан-жонингиз соғ, сизга ўхшаган, кўпни кўрган тажрибали одамлар бизга керак. Ишлаб туринг, — дея ўтинишади деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам, унга алам қилди. «Наҳотки қирқ йил ишлаб орттирган обрўйим шу бўлса! Мен шунчалик ношуд бўлиб қолдимми?»

Ички бир нидо унга танбеҳ берди: «Усмон, ойнадан ўпкалама, отдан тушсанг ҳам эгардан тушмаганлигингни ҳис қиласанми ўзи. Бошлиқнинг ҳурматини ўз ўрнига қўймадинг-ку. Кечагина нима қилсам экан деб юрган эдинг, мен сендан кўп биламан-ку, қабилида иш тутдинг. Ҳатто ҳеч бир ўринсиз унга ақл ўргатиб, маслаҳатлар бериб, ўз йўриғингга юритмоқчи бўлдинг. Катта хатога йўл қўйдинг. Қисмат экан. Энди тақдирга тан беришдан бошқа иложинг йўқ».

У гарангсиб, талмовсираб қолганди...

*Носир РИХСИЕВ.*

### Кулганга нима етсин!

*— Қанийди менинг катта бир самолёт сотиб олишга пулим бўлса!*

*— Самолётни нима қиласан?*

*— Ҳеч нима. Мен фақат шу миқдорда пулим бўлса эди, деяпман.*

* * *

*— Бугун тушимда сенинг хотинингни кўрибман.*

*— Ростданми? У нималар деди?*

*— Ҳеч нима.*

*— Ундай бўлса, у менинг хотиним эмас.*

* * *

*Жаҳли чиққан ота қизига гапираяпти:*

*— Мен ҳеч қачон бу жиннига турмушга чиқишингга йўл қўймайман.*

*— Нега энди уни жиннига чиқариб қўйдингиз?*

*— Ўзинг ўйла, жинни бўлмаганда, сенга уйланармиди?*

Тадбир

## «ТУН»ДА ОШКОР БЎЛДИ

...Ярим тунда чўчиб уйғонган Ғофуржон ака ҳовлига чиқди. Молхонага кўз ташласа, қорамоли йўқ.

— Олдинига ечилиб кетганмикан, дея уй атрофларини қараб чиқдим, — дейди у. — Фойдаси бўлмагач, тўғри туман ички ишлар бўлими ходимларига мурожаат этдим.

Милиция ходимлари томонидан олиб борилган суриштирувлар натижасида мазкур жиноятга қўл урган мол ўғриси Абди узоққа бормасданоқ қўлга олинди.

Эл осойишталигини сақлаш ва жамоат тартибини таъминлаш мақсадида ички ишлар ходимлари қатор ишларни амалга оширишмоқда. Апрель ойининг иккинчи беш кунлигида Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ ва Бўка туманларида ўтказилган «Тун» тадбири ҳам содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилди. Унга ички ишлар ходимлари, солиқ назорати, ҳокимият ва жамоат тузилмалари вакиллари жалб этилди. Улар гуруҳларга бўлиниб, рейдлар уюштирдилар. Натижада кўплаб ҳуқуқбузарликлар бартараф этилиб, қатор жиноятлар фош қилинди. Чунончи, Юқоричирчиқ туманида фуқаро А. Пакнинг уйидан умумий нархи 700 минг сўмлик мол-мулкни Қосим ва Руслан ўғирлашгани аниқланиб, улар қўлга олиндилар.

«Тун» тадбирига ҳар куни Ўртачирчиқда 83 нафар ходим, 17 та автоулов, Юқоричирчиқда 78 нафар ходим, 18 та автомашина ва Бўка туманида 72 нафар ходим, 12 та транспорт воситалари жалб қилинди. Тадбир давомида ҳар хил жиноят содир этганликлари учун ички ишлар идораларига 315 нафардан зиёд фуқаро олиб келинди. Шундан ўн беш нафари яшаш жой ва машғулот тури ноаниқ фуқаролар бўлиб улар реабилитация марказига юборилди. Жумладан, россиялик Татьяна Малаткованинг Тўйтепа шаҳрида дайдиб юрганлиги маълум бўлди. Майда безориликлар содир этганлиги учун 13 фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

Профилактик ҳисобда турувчилар, муқаддам гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилган фуқароларнинг яшаш жойлари текширувдан ўтказилди. Жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилганларга, ношойим ишлар билан шуғулланганларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Гиёҳвандлик моддалари, айрим фуқаролар хатти-ҳаракатига ҳам чек қўйди.

Юқоричирчиқлик Исроил тўхтатиб текширилганида, унинг чўнтагидан 6,5 грамм марихуана моддаси топиб олинди. Бўкалик Тўлқиннинг ёнида ҳам 30 грамм марихуана борлиги аниқланди.

Тадбир мобайнида 162 нафар фуқаро паспорт қоидаларига амал қилмаганликлари учун улар номига маъмурий баённомалар тўлдирилди. Бўкалик Фозил 3400 сўм эвазига 10 апрель куни фуқароларга қимор ўйини учун ўз уйидан жой берганлиги «Тун»да ошкор бўлди. Ов қуролига эга бўлганлар ҳам эътибордан четда қолмади. Юқоричирчиқлик Асил ва Турсунлар ов қуролини сақлаш қоидасини бузганликлари аниқланиб, уларга тегишли бўлган қуроллар олиб қўйилди.

Беш кун ичида кўплаб автомашина тузатиш устахоналари, хизмат кўрсатиш ва савдо шоҳобчалари, ресторан, қаҳвахоналар ҳам кўздан кечирилди. Туманлар ҳудудидаги маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.

***Шерали АНВАРОВ,***
***Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот маркази ходими, милиция катта лейтенанти.***

Бўстонлиқ туманидаги 53-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Омаров Ахмет Сексенбаевичга берилган O'R-A 630788 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўстонлиқ туманидаги 26-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Умешова Бактыгуль Таубаевнага берилган АО 018706 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Халқ табобати

## НАВРЎЗГУЛ

Наврўзгул илдизлари, барглари ва гулларидан тайёрланган гален препаратлар табобатда қон тўхтатадиган ва ухлатадиган восита тариқасида қадимдан қўлланилиб келинади. Улардан бош оғриғи (мигрень), ортиқча тажанглик маҳалларида, шунингдек, одам қабзият бўлиб юрадиган вақтларда ҳамда балғам кўчирадиган ва терлатадиган, пешоб ҳайдайдиган, иссиқни туширадиган, йўталга қарши таъсири борлиги замонавий табобатда аниқланган.



Наврўзгул ўтининг илдизлари ва баргларидан тайёрланган препаратлар таъсири жиҳатидан сенега препаратларидан устун туради. Барглари витаминлар етишмайдиган пайтларда кўкат тариқасида ва дамлама кўринишида ишлатилади. Наврўзгулдан балғам кўчирувчи, тинчлантирувчи, пешоб ҳайдовчи таъсирга эга бўлган ва авитаминозларда ишлатиладиган «Примулин» ҳамда «Примулат» деган препаратлар тайёрланади.

**Тайёрлаш усуллари:** 1. Майда тўғралган наврўзгул барглари ва гулларидан 1 ош қошиқ миқдорида олиб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади-да, 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин сузиб олиб, 1-2 ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичиш буюрилади. 2. Майда тўғралган 1 чой қошиқ наврўзгул илдизлари устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 10 минут қайнатилади. Кейин сузиб олинади-да, 1 ош қошиқдан кунига 4 маҳал ичиш буюрилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-312. Адади 8142. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.30. 1 2 3 4 5 6